

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

## Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



## Дарахтлар кесилишига мораторий қандай амалга оширилади

Вазирлар Маҳкамасининг 18.02.2020 йилдаги 93-сон қарори билан давлат ўрмон фондига қирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини сақлашга доир қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Хукумат давлат ўрмон фондига қирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг 78 номдан иборат рўйхатини тасдиқлади ҳамда улар кесилишига мораторийни амалга ошириш тартибини белгиллади.

**Эслатиб ўтаамиз,** Президентнинг 30.10.2019 йилдаги ПФ-5863-сон Фармони билан давлат ўрмон фондига қирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига 2019 йил 1 ноябрдан 2020 йил 31 декабргача мораторий жорий этилган.

Қабул қилинган қарорда белгиланишича, давлат ўрмон фондига қирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини кесиш бўйича қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

- давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали аризаларни қабул қилишга;
- ҳудудий экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари томонидан дарахтлар ва буталарни кесиш учун хулосалар беришга;
- туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан дарахтлар ва буталарни кесиш учун рухсатномалар расмийлаштирилишига.

Адлия вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан ушбу талабларни бажаришга доир чора-тадбирлар қабул қилинади.

Ҳужжатда белгиланишича, давлат ўрмон фондига қирмайдиган ерларда қимматбаҳо навлардан ташқари дарахтлар ва буталар навларини ҳамда табиий омиллар ёки зараркунандалар, ўсимликлар касалликлари

таъсирида зарарланган, қуриб бораётган ёки қуриб қолган, шунингдек фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига хавф туғдирувчи дарахтлар ва буталарни санитар кесиш ва қирқишга Вазирлар Маҳкамасининг қуйидаги қарорлари асосида рухсатнома берилади:

➢ «Табиатдан фойдаланиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида»ги (31.03.2018 йилдаги 255-сон);

➢ «Давлат ўрмон фондига қирмайдиган ерларда дарахтлар ва буталардан фойдаланишни тартибга солиш ва улардан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги (17.01.2019 йилдаги 43-сон).

Бунда «Обод маҳалла» ва «Обод қишлоқ» давлат дастурлари лойиҳалари асосида ҳудудларни ободонлаштириш ишларида санитария жиҳатидан кесиш ва қирқиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга риоя қилинган ҳолда, фақат туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари томонидан амалга оширилади. Объектларни қуриш ва қуришни лойиҳалаштириш учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш босқичида расмийлаштириладиган ҳужжатларда, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларида, шунингдек электрон онлайн-аукцион натижалари баённомаларида ер участкасида ўсаётган дарахтлар сони, уларнинг аниқ координатлари, навлари, диаметри, баландлиги кўрсатилиши шарт, шунингдек уларни сақлаб қолиш ва муҳофаза қилиш чоралари ва талаблари кўрсатилиши лозим.

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда қурилиш майдонида ўсаётган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навлари тўлиқ сақлаб қолиниши ёки қўчириб ўтказилиши таъминлини шарт, дарахтлар ва буталар бошқа навларининг камида 50% и сақлаб қолиниши ёки қўчириб ўтказилиши ёхуд уларнинг ўрнига 10 тадан кам бўлмаган дарахтлар компенсация сифатида экиб қуриши керак.

2020 йил 1 мартдан бошлаб қурилиш, қайта таъ-



мирлаш, қайта тиклаш, капитал таъмирлаш, қурилиш объектларини ободонлаштириш, бузиш бўйича лойиҳа ҳужжатларида, шунингдек қурилиш объектларини фойдаланишга қабул қилишда мажбурий тартибда ўсимлик дунёси объектларига ва уларнинг ўсиш муҳитига салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олишни таъминлайдиган, уларни бундай таъсирдан ҳимоя қиладиган чоралар, компенсация тадбирлари ҳамда кўкаламзорлаштириш бўйича қоида ва меъёрларга риоя этилиши назарда тутилади. Ушбу меъёрларни жорий этиш Қурилиш вазирлиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси зиммасига юкланган.

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Фанлар академияси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2 ой муддатда иқлим ва бошқа шароитлардан келиб чиқиб, аҳоли пунктларида экишга тавсия этиладиган манзарали дарахт навлари рўйхатини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши лозим.

Шунингдек давлат ўрмон фондидан ташқари ерларда дарахт ва буталарни қўчириб ўтказиш тартиби ҳамда компенсация тадбирларини амалга ошириш шартлари бузилганлиги, давлат ўрмон фондидан ташқари ерларда дарахт ва буталар ноқонуний кесилганлиги, шунингдек ноқонуний кесилган дарахтлар ва буталар ташилиши ва қабул қилиниши учун жиноий жавобгарликни кучайтириш бўйича таклифлар киритилади.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 19.02.2020 йилдан қулига кирди.**

Анвар Иркаходжаев, «Norma» МЧЖ эксперти.

## Ташқи реклама бозорида қандай ўзгаришлар кутилмоқда

Вазирлар Маҳкамасининг 20.02.2020 йилдаги 104-сон қарори билан реклама фаолияти соҳасига оид талаблар белгиланди ва ушбу соҳага тааллуқли низомлар тасдиқланди.

Мазкур қарор кучга киргунига қадар қонун ҳужжатларига мувофиқ ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш учун тузилган шартномалар, берилган паспортлар, гувоҳномалар, сертификатлар, рухсатномалар ва ҳуқуқни белгилловчи бошқа ҳужжатларнинг амал қилиши қуйидагича узайтирилади:

➢ ер участкаларидаги ташқи реклама объектлари (конструкциялари) учун – 10 йил муддатга;

➢ давлат мулки бўлган бино ва иншоотлардаги объектлар учун – 5 йил муддатга.

Уларга давлат хизматлари марказлари орқали реклама жойлари паспортлари берилади. Видео экранли объектлар учун муддат қўшимча равишда 10 йилга узайтирилади.

Муддат белгиланган бир марталик йиғимни тўлаш шarti билан узайтирилади ҳамда ушбу маблағлар бир йил давомида ҳар ой тенг тақсимланган ҳолда туманлар (шаҳарлар) маҳаллий бюджетига ўтказила-

ди. Видео экранли объектлар учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланадиган йиғимларни тўлаш чоғида 0,5 коэффициент қўлланилади. Миллий байрамлар, хорижий давлатлар раҳбарларининг давлат ташрифлари ва бошқа давлат тадбирларига оид ахборот ташқи реклама объектларида (конструкцияларида) жойлаштирилганда, ойлик йиғим миқдори тегишли ҳокимлик қарорига биноан жойлаштирилган кунларга мутаносиб равишда камайирилади.

Қалбакилаштирилган ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда ташқи реклама



Ушбу сонда:	<b>3-6-БЕТЛАР</b>	<b>7-БЕТ</b>	<b>8-БЕТ</b>
	Янги ҳужжатлар билан таништирамиз	Биометрик паспортни ОВИРда олишни тезлаштириш мумкинми?	Чет эллик фуқарони вақтинча прописка қилиш

## Ташқи реклама бозорида қандай ўзгаришлар кутилмоқда

**1-бетда** объектларига (конструкцияларига) ҳуқуқи белгиланган бошқа ҳужжатлар, шунингдек ваколатли органнинг рухсатисиз ўрнатилган бундай объектлар бўйича ҳужжатларнинг муддатини уяйтиришга рухсат берилмайди.

Қонуний равишда ўрнатилган барча ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) мазкур қарор талабларига мослаштириш учун 6 ой муддат берилади. Ушбу муддатда белгиланган талабларга мослаштирилмаган реклама объектлари (конструкциялари) уларнинг эгалари томонидан ихтиёрий равишда ўз кучи билан олиб ташланади (демонтаж қилинади) ҳамда ер майдони тартибга келтирилади. Акс ҳолда қурилмалар суд тартибда маҳаллий ҳокимлик томонидан демонтаж қилинади ва барча харажатлар объект эгаларидан ундирилади.

Битта реклама жойида бир нечта ташқи реклама объектлари қурилганлиги ва улар турли тадбиркорлик субъектларига тегишли эканлиги аниқланган тақдирда, қайта аукцион ўтказиш орқали ушбу жойда фақат битта ташқи реклама объектини қуриш ҳуқуқи берилади.

2020 йил 1 мартдан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 августдаги 702-сон қарорига мувофиқ реклама соҳасида амалга ошириши лозим бўлган фаолияти бўйича ишчи органи сифатида Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси тузилмасидаги «Архитектура-режалаштириш бюроси» белгиланади. Унга қуйидаги вазифалар юкланади:

- ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) қуриш учун бериладиган ер участкаларини аниқлаб, уларнинг рўйхатини шакллантириш;
- ташқи реклама объектларини (конструкцияла-

рини) тизимли мониторинг қилиш, уларни ноқонуний жойлаштириш ҳолатларини аниқлаш ва тегишли чора кўриш учун ваколатли органга таклифлар киритиш.

Бунда Тошкентда ташқи рекламани жойлаштириш ҳуқуқи («E-IJRO AUKSION» орқали) фақат юқори технологияли ташқи реклама объектларига (конструкцияларига) берилади. 2020 йил 31 декабрга қадар биринчи даражали марказий қатнов кўчаларида ҳамда 2021 йил 31 декабрга қадар иккинчи даражали марказий қатнов кўчаларида жойлаштирилган ташқи реклама объектлари юқори технологияли қурилмаларга босқичма-босқич ўзгартирилади. Биринчи даражали марказий қатнов кўчаларида фақат видео экранли ва иккинчи даражали марказий қатнов кўчаларида аралаш турдаги юқори технологияли ташқи реклама объектлари (конструкциялари) ўрнатилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Қурилиш вазирлиги билан биргаликда 1 ой муддатда биринчи даражали ва иккинчи даражали марказий қатнов кўчалари рўйхатини тасдиқлаши лозим. Ушбу муддатда белгиланган талабларга мослаштирилмаган реклама объектлари (конструкциялари) уларнинг эгалари томонидан ихтиёрий равишда ўз кучи билан олиб ташланади (демонтаж қилинади) ҳамда ер майдони тартибга келтирилади ёхуд бу ишлар суд тартибда тегишли ҳокимлик томонидан амалга оширилади ва барча харажатлар объект эгаларидан ундирилади.

Шаҳар (туман) ҳокимликлари олдида ташқи рекламани жойлаштириш соҳасида тегишли вазифалар қўйилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Бош прокуратура, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини

ҳимоя қилиш агентлиги, ИИБ, Маданият вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан ташқи реклама объектларини хатловдан ўтказиш ҳамда қарорда кўрсатилган масалаларни ҳал этиш учун ҳар бир туман (шаҳар) бўйича махсус ишчи гуруҳлар тузилади.

Қурилиш вазирлиги маҳаллий ҳокимликлар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Ташқи реклама объектларининг (конструкцияларининг) ягона электрон реестрини шакллантиради ва ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради.

Қарор билан қуйидагилар тасдиқланди:

- Ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) қуриш тартиби тўғрисидаги низом;
- Ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) қуриш учун бериладиган ер участкалари, давлат мулки бўлган бино ва иншоотлар рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом;
- Ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ер участкалари, давлат мулки бўлган бино ва иншоотларда қуриш ҳуқуқини электрон аукцион орқали бериш тартиби тўғрисидаги низом;
- Ўрнатилган ташқи реклама объектлари (конструкциялари) учун тўловлар миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом;
- Ташқи реклама объектлари (конструкциялари) хавфсизлигининг умумий техник регламенти.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 21.02.2020 йилдан кучга кирди.**

Анвар Иркаходжаев, «Norma» МЧЖ эксперти.

## Ипотека: қарз олувчилар ва банкларга қандай талаблар қўйилади

Молия вазирлиги ва Марказий банк томонидан Аҳолига қўп квартиралар уйлардаги квартираларни сотиб олиш учун бозор тамойиллари асосида ипотека кредитлари ажратиш концепцияси тасдиқланди.

У Президентнинг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5886-сон Фармони ижроси юзасидан ишлаб чиқилди.

Ҳужжат билан қарз олувчилар-жисмоний шахслар ва ипотека кредитларини беришда қатнашувчи тижорат банкларига талаблар белгиланади.

1. Қуйидаги талабларга тўғри келадиган жисмоний шахслар ипотека кредити олиш учун потенциал мурожаат қилувчилар бўлиши мумкин:

➢ ипотека кредити кредит олиш учун мурожаат қилган кунда 18 ёшга тўлган ва 50 ёшдан ошмаган Ўзбекистон фуқароси;

➢ ипотека кредити бўйича ҳисобланган фоизларни ва асосий қарзни тўлов жадвалига мувофиқ ҳар ойда қайтариш имкониятига эга бўлган доимий иш жойига, шахсий ёрдамчи ёки деҳқон ҳўжалигидан ёхуд яққа тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан доимий даромадга эга бўлиши;

➢ қарз олувчининг барча кредитлари ва микроқарзлари (жумладан олинадиган ипотека кредити) бўйича ўртача ойлик тўловлари, яъни қарз юки кўрсаткичи миқдорининг қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчиларнинг тасдиқланган ўртача ойлик даромадига нисбати 70%дан юқори бўлмаслиги;

➢ ипотека кредити ажратиш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш вақтида кредит ташкилотларидан аввал олган кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги.

2. Тижорат банкларига қўйиладиган талаблар:

- янги тартиб доирасида ипотека кредитларини ажратиш юзасидан аниқ белгиланган ички тартибни ишлаб чиқиш;

➢ «Fitch Ratings» ёки «Standard & Poor's» халқаро рейтинг агентликларининг «В» даражасидан ёки «Moody's Investors Service» рейтинг агентлигининг «В2» рейтингидан паст бўлмаган даражада узоқ муддатли кредит рейтингига эга бўлиши;

➢ охири уч йиллик молиявий ҳисоботларига аудиторлик ташкилотининг ижобий хулосаси мавжудлиги;

➢ давлат бюджетни маблағлари, шу жумладан Молия вазирлиги томонидан янги тартибга мувофиқ жойлаштирилган молиявий ресурслар бўйича муддати ўтган қарздорлиги бўлмаслиги;

➢ МБ томонидан ўрнатилган пруденциал нормативлар бузилганлиги сабабли унга нисбатан амалдаги чора ва санкциялари мавжуд бўлмаслиги;

➢ 500 млрд сўмдан кам бўлмаган регулятив капиталига эга бўлиши.

norma.uz

## ҲУҚУҚИЙ МАСЛАХАТ

**Тошкент кимё-технология институтининг 2-курс талабасини. Дарсларимиз соат 9.00 да бошланиб, соат 13.00 да тугайди. Оилавий шароитим оғир бўлганлиги сабабли бирор-бир корхонага ярим ставкада ишга жойлашиб, ўқишдан ажралмаган ҳолда ишлаسام, қонун бузилишига йўл қўйилмайдими?**

М.Авазов.

## Ўқишдан бўш вақтда ишлаш мумкин

– Йўқ, қонун бузилишига йўл қўйилмайди.

Кундузги таълим шаклида ўқийдиган талабаларга ўқишдан бўш вақтда – куннинг иккинчи ярмида ўзи ўқитган таълим муассасасида бўлгани каби бошқа ташкилотларда ҳам меҳнат шартномасига кўра ишлашга рухсат этилади (Олий таълим тўғрисида низом, 50-банд, АВ томонидан 22.02.2003 йилда 1222-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Талабаларни ишга қабул қилиш меҳнат қонунчилигига биноан умумий асосларда амалга оширилади.

Меҳнат шартномасида ҳақиқий ишланган вақтга мутаносиб равишда иш соатларининг миқдори ва меҳнатга ҳақ тўлашни белгиланган ҳолда ўқишдан бўш вақтдаги иш режимини назарда тутиш лозим.

Талаба ўқишдан бўш вақтида ишлаш имкониятига эга бўлиб, иш берувчи уни иш билан таъминлай олса, талаба билан 0,5 ставкадан кўпроқ ҳам меҳнат шартномасини тузиш мумкин бўлади.

Альберт Сафин, «Norma» МЧЖ эксперти.

## УШБУ СОНДА

## • ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз  
1-2-бетлар

## • РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

– «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»

3-6-бетлар

## • ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

– Ўзбекистонга қайтиш

– Прописка қилишга розилик бериш

– Фамилия қандай ўзгартирилади

– Сайт орқалими ёки ёзма шаклдами?

– Паспортдаги қайдлар ҳақида

– Ҳисобдан чиқариш – текширувдан

сўнг

– Пропискаси қолмаслик учун

– Жарима тўланмайди

– Англиялик учун виза

– Ҳужжат билан тасдиқланганда

– Фуқароликни олиш ҳуқуқига эга

7-8-бетлар



# РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

## МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА\*

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (кейинги ўринларда – МҲХС) ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Белгилансинки, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, сугурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар:

2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди, қонун ҳужжатларида МҲХСга ўтишининг эртарақ муддатлари назарда тутилган юридик шахслар бундан мустасно;

2021 йил якунига қадар бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида «МҲХС бўйича молиявий ҳисобот» фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёхуд «Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CIPA)», «Сертификатланган дипломли бухгалтер (АССА)», «Сертификатланган жамоатчи бухгалтер (СРА)» ва «Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (DiplFR)» сертификатларидан (кейинги ўринларда – халқаро бухгалтер сертификати) бирига эга камида уч нафар мутахассис миқдорида МҲХСни сифатли қўллаш учун етарли бўлган бухгалтерия хизмати ходимлари билан таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги 2020 йилдан бошлаб, ушбу бандда кўрсатилмаган давлат улуши бўлган ҳўжалик жамиятлари ва давлат корхоналарининг МҲХС асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашга ўтиш жадвали ҳар йили тасдиқланиши ва 1 июнга қадар расмий веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ молиявий ҳисоботни ихтиёрли равишда МҲХСга мувофиқ тайёрлайдиган тadbirkorлик субъектлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тақдим этишдан озод этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги МҲХСни жорий этиш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин ва унга қуйидаги функциялар юксансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда МҲХСнинг жорий этилишини, шу жумладан тadbirkorлик субъектлари томонидан

молиявий ҳисоботлар МҲХС асосида ўз вақтида эълон қилинишини мониторинг қилиш;

МҲХС соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича жаҳоннинг муваффақиятли тажрибаларини оммалаштириш, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича нодавлат таълим ташкилотларини (кейинги ўринларда – аккредитациядан ўтган ўқув марказлари) ҳамда соҳага оид олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини босқичма-босқич халқаро аккредитациядан ўтказиш юзасидан бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар (Сертификатланган дипломли бухгалтерлар халқаро ассоциацияси (Association of Chartered Certified Accountants – ACCA) ва бошқалар) билан ўзаро ҳамкорлиқни кенгайтириш;

ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаси асосида ўқув жараёнининг сифатини, имтиҳонларни ўтказиш ва натижаларини баҳолашнинг шаффоқлигини таъминловчи МҲХС бўйича сертификатлашнинг самарали тизимини жорий этиш, шунингдек, МҲХС соҳасида талаба юқори бўлган мутахассисларни аккредитациядан ўтган ўқув марказларида ўқитиш бўйича ташкилий тadbirkorларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашиш;

бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МҲХСга мувофиқ уйғунлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубийти бошқармаси тузилмасида вазирликнинг бошқарув ходимлари чекланган сони доирасида учта штат бирлигидан иборат молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этишни мувофиқлаштириш ва эълон қилинадиган молиявий ҳисоботлар сифатининг ташқи назорати бўлими ташкил этилсин.

4. Илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ва мазкур соҳада кадрлар тайёрлашнинг замонавий усулларини босқичма-босқич жорий этиш бўйича «йўл харитаси» 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

а) бухгалтерлар ва аудиторлар республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда, бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларни киритсин:

2020 йил 1 июнга қадар Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва уларга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги низом;

2021 йил 31 январга қадар МҲХСни жорий этишининг ус-тувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ва МҲХС бўйича

\*Ушбу қарор қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 25.02.2020 йилдан куча кирди.

мавжуд кадрлар салоҳиятини ўрганиш натижаларига кўра тайёрланган бухгалтерларни сертификатлаш миллий тизимини жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан тахлилий маълумотнома;

б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва бошқа манфаатдор давлат органлари ходимларини (кейинги ўринларда – давлат органларининг ходимлари) аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МҲХС бўйича ўқитиш жадвали ҳар йили тасдиқлашни ташминласин;

в) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

Ташкент давлат иқтисодиёт университети, Ташкент молия институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Фарғона политехника институтининг (кейинги ўринларда – таъриба-синов олий таълим муассасалари) «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича педагог ходимларини аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МҲХС бўйича тезлаштирилган тарзда ўқитиш жадвалини тасдиқласин;

2020 йил 31 декабрга қадар бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш бўйича халқаро таъриба-синов олий таълим асосида «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» бакалаврият таълим йўналишида ўқитишнинг кундузги шакли мuddатини қисқартириш имконияти тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2020 йил 1 августга қадар бакалаврият таълими йўналишлари ва магистратура мутахассислигидаги «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича МҲХСни чуқур ўрганишни назарда tutуви янгиланган ўқув дастурларини тасдиқласин ва белгиланган тартибда таълим жараёнига жорий этсин;

2020 йилдан бошлаб таъриба-синов олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро аккредитациядан ўтказиш ва кейинчалик мазкур таъриба-синов лойиҳасини босқичма-босқич республикадаги соҳага оид бошқа олий таълим муассасаларида жорий этиш чораларини кўрсин;

2021 йил 1 январга қадар «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича педагог кадрларнинг аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МҲХС бўйича ўқитилишини ташминласин, шунингдек, олий таълим муассасаларининг бухгалтерларини халқаро сертификатлаш доирасида аккредитациядан ўтган ўқув марказларида тахсил олган педагог кадрлари тўғрисидаги маълумотлар базасини расмий веб-сайтида эълон қилсин ва доимий равишда уларни янгилаб борсин.

7. Белгилансинки:

2021 йилдан бошлаб, МҲХС ва аудитнинг халқаро стандартлари (кейинги ўринларда – АХС) бўйича ўқитиш фақат бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотнинг аккредитациясидан ўтган ўқув марказлари томонидан амалга оширилади. Аккредитациядан ўтган ўқув марказлари лицензияланадиган фаолият турларини амалга ошириш бўйича қонунчиликда назарда тутилган талабларга риоя қилиш шarti билан, тегишли лицензия олмастан МҲХС ва АХС бўйича ўқитиш ва малака ошириш юзасидан лицензияланган фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, таъриба-синов олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича фанлар фақат халқаро сертификатлаш доирасида «МҲХС бўйича молиявий ҳисобот» ёки «АХС бўйича аудит» фанини муваффақиятли топиширғани тўғрисида ҳужжатга ёхуд халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган ўқитувчилар томонидан ўқитилади;

халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган талабгорлар олий таълим муассасалари магистратурасининг «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» мутахассисликларига кириш имтиҳонларини топиширмасдан тўлов-контракт асосида кириш ҳуқуқига эга.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар солиқ ҳисоботи шаклини қайта кўриб чиқсин ва унинг МҲХС бўйича тайёрланган молиявий ҳисоботта мослаштирилган шаклини ишлаб чиқсин.

9. Белгилансинки, 2020–2025 йиллар давомида аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МҲХС бўйича ўқитиш, малака ошириш, интерфаол усуллари қўлланган ҳолда ўқитиш, шунингдек, бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида Ўзбекистон Республикасида дастлабки рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон топириш учун рўйхатдан ўтказиш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади ва қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) олий таълим муассасаларининг буюртманомаларига асосан:

олий таълим муассасаларининг «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича педагог кадрлари имтиҳон топириши учун биринчи марта – тўлиқ ҳажмда, иккинчи марта – имтиҳон топириш учун рўйхатдан ўтиш суммасининг 50 фоизи миқдорда қопланади;

олий таълим муассасаларининг талабалари ва битирувчилари (ўқишни тугатгандан сўнг олти ой ичида) имтиҳонни муваффақиятли топиширган тақдирда, биринчи марта – тўлиқ ҳажмда, иккинчи марта – имтиҳон топириш учун рўйхатдан ўтиш суммасининг 50 фоизи миқдорда қопланади;

б) давлат органларининг буюртманомаларига асосан ўз ходимлари имтиҳон топириши учун биринчи марта – тўлиқ ҳажмда, иккинчи марта – имтиҳон топириш учун рўйхатдан ўтиш суммасининг 50 фоизи миқдорда қопланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: молиявий ҳисоботнинг ягона стандартларини ишлаб чиқадиган ва тасдиқлайдиган мустақил халқаро ташкилот ҳисобланган Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари фонди (кейинги ўринларда – МҲХС фонди) билан битим тузсин;

2020 йилда МҲХС ва унга тушунтиришлар матнини давлат тилига таржима қилиш, бошқа тилларда МҲХСни қўллаш билан боғлиқ ҳамда МҲХС фонди йиллик бадаллар тўлаш харажатларини Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети қўшимча даромадлари ҳисобидан қопласин, 2021 йилдан бошлаб эса зарур маблағлар ажратилишини Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетида назарда tutсин;

икки ой мuddатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлари ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3946-сон қарорининг 5-бандига 2-иловага мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.

12. Мазкур қарор ижросини ташкил қилишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров – мазкур қарорнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминласин, белгиланган тадбирларни бажаришга масъул бўлган вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали мувофиқлаштирсин, ҳар чорада улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича чоралар кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси молия вазири – МҲХС жорий қилиниши мониторингини таъминласин, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини МҲХС билан уйғунлаштириш, бухгалтерия ҳисоби соҳасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлики кенгайтириш ва тажрибали ҳамда юқори малакали мутахассисларни МҲХСни жорий қилиш жараёнига жалб этиш бўйича чоралар кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У.Мажидов – таълим жараёнларига МҲХСни чуқур ўқитишни муваффақиятли ва самарали жорий этиш, педагог кадрларни МҲХС бўйича сертификатлаш ва олий таълим муассасалари ўқув дастурларини аккредитациялаш юзасидан барча зарур чораларни кўрсин, шунингдек, мазкур қарор билан белгиланган вазифалар ижросини таъминласин;

масъул вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарлари – мазкур қарор билан тасдиқланган «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К.Кучимов ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазифасини бажарувчи А.Д.Хаджаев – мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, матбуот анжуманлари, мавзуга оид телекўрсатувлар ташкил этсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЕВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 24 февралда  
ПҚ-4611-сон.

ЎЗР Президентининг  
2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон қарорига  
1-ИЛТОВА

**ИЛГОР ХАЛҚАРО ТАЖРИБАНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ ВА МАЗКУР СОҲАДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»**

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижроочилар
<b>I. МҲХСНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЖАРАЁНИНИ ТИЗИМЛАШТИРИШ ВА УНИНГ НАТИЖАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ</b>				
1.	МҲХС ва унга тушунтиришлар матнларини давлат тилига таржима қилиш.	1. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва уларга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш. 2. МҲХС ҳужжатларини давлат тилида талаб қилиш ҳуқуқларидан воз кечиш бўйича МҲХС фонди билан келишув тузиш. 3. МҲХС ва унга тушунтиришлар матнларини давлат тилига таржима қилиш, шунингдек, уларни Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштириш. 4. МҲХСнинг ҳар йили янгиланишини ҳисобга олган ҳолда, давлат тилидаги МҲХС ҳужжатларининг долзарблигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш.	2020 йил 1 июнь  2020 йил 1 июль  келишувга мувофиқ  Доимий равишда	Молия вазирлиги (Д. Султанов),  бухгалтер ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари (М. Тулаходжаева, Н. Каримов)
2.	Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МҲХСга уйғунлаштиришни ҳисобга олган ҳолда уларни такомиллаштириш.	1. Халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва МҲХС ўртасидаги муҳим фарқлинишлар бўйича кенг қамровли ахборотлар тайёрлаш. 2. Бухгалтерия ҳисобининг янги миллий стандартларини ишлаб чиқиш ва амалдаги миллий стандартларга ўзгартишлар киритиш.	2020 йил 1 март  Доимий равишда	Молия вазирлиги (Д. Султанов), бухгалтер ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари (М. Тулаходжаева, Н. Каримов)
3.	МҲХСни жорий этишни ҳисобга олган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш.	1. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги, жумладан: МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисоботларни ўз вақтида эълон қилмаслик; МҲХС бўйича сертификатга эга мутахассислар сони энг кам миқдор талабларига мувофиқ эмаслиги бўйича маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритиш. 2. Солиқ ҳисоботи шаклларини МҲХС бўйича тузилган молиявий ҳисоботларга асосан қайта кўриб чиқиш ва унга мослаштириш.	2020 йил 1 июль  2020 йил 1 октябрь	Молия вазирлиги (Д. Султанов), манфаатдор вазирлик ва идоралар  Давлат солиқ қўмитаси (Б. Мусоев), Молия вазирлиги (Д. Султанов)

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
4.	Давлат улуши иштирокидаги ҳўжалик жамиятлари ва давлат корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузишни МҲХС асосида амалга оширишга ўтиш.	<p>1. Давлат активларини бошқариш агентлиги веб-сайтида давлат улуши иштирокидаги ҳўжалик жамиятлари ва давлат корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузишни МҲХС асосида амалга оширишга ўтиш графигини эълон қилиш.</p> <p>2. Давлат улуши иштирокидаги ҳўжалик жамиятлари ва давлат корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишни МҲХС асосида амалга оширишни ташкил этиш.</p> <p>3. Давлат улуши иштирокидаги ҳўжалик жамиятлари ва давлат корхоналарининг МҲХС асосида эълон қилинадиган молиявий ҳисоботлари шаффофлиги ва сифатини ошириш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, мазкур соҳада амалга оширилган ишлар тўғрисида Молия вазирлигига маълумот тақдим этиш.</p>	<p>Ҳар йили 1 июнгача</p> <p>Графика мувофиқ</p> <p>Ҳар йили 1 апрелгача</p>	<p>Давлат активларини бошқариш агентлиги (С.Бекенов), Давлат улуши иштирокидаги ҳўжалик жамиятлари ва давлат корхоналари</p>
5.	Ҳар йили акциядорлик жамиятларининг эълон қилинадиган молиявий ҳисоботи МҲХСга мувофиқлиги бўйича сифат назоратини амалга ошириш.	<p>1. Акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботи МҲХС асосида эълон қилинишини таъминлаш чораларини кўриш.</p> <p>2. Акциядорлик жамиятларида МҲХС жорий қилинганлиги тўғрисида Молия вазирлигига ахборот тақдим этиш.</p>	<p>Ҳар йили</p> <p>Ҳар йили 1 апрелгача</p>	<p>Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги (О.Назиров) акциядорлик жамиятлари</p>
6.	МҲХСга босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирларини муваффақиятли амалга ошириш учун халқаро молия институтларининг техник кўмагини жалб этиш масаласини кўриб чиқиш.	<p>1. Халқаро молия институтларига миллий бухгалтерия ҳисоби тизимини диагностикадан ўтказиш ва баҳолашга кўмаклашиш ҳамда МҲХСни қўллаш инфратузилмасини яратиш масалалари бўйича қўйидагиларни ўз ичига олган сўровнома юбориш: МҲХСга ўтиш жараёнида тадбиркорлик субъектларини услубий қўллаб-қувватлаш; қимматли қўғозлар бозори иштирокчилари молиявий ҳисоботларининг ахборот бериш даражасини ошириш; давлат секторига МҲХС бўйича кадрлар салоҳиятини ошириш.</p> <p>2. Юқорида келтирилган масалалар бўйича экспертлар билан ҳамкорлик қилиш ва грант шартномалари имзолашни муҳокама қилиш.</p> <p>3. Бухгалтерларни миллий сертификатлаш тизимини жорий қилиш бўйича таклифлар киритиш.</p>	<p>2020 йил март</p> <p>2021 йил давомида</p>	<p>Молия вазирлиги (Д.Султанов)</p>

Реклама



## «КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Талимаржон кўч., 1/1.

Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижроочилар
<b>II. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР</b>				
7.	Бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида мутахассисларни МҲХС бўйича ўқитиш чора-тадбирларини иш берувчилар ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.	<p>1. Акциядорлик жамиятлари, сугурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи юридик шахсларда ходимларнинг МҲХС бўйича ўқиш ва малака ошириш харажатларини иш берувчи томонидан кафолатли қопланиши механизмини жорий этиш.</p> <p>2. Акциядорлик жамиятлари, сугурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи юридик шахсларда МҲХСнинг амалий қўлланилиши натижаларини ҳар йили ўрганиш ва аниқланган муаммоларни таҳлил қилиш.</p> <p>3. Олий таълим муассасалари педагог кадрлари ва давлат органлари ходимларини МҲХС бўйича ўқитиш эҳтиёжларини аниқлаш.</p> <p>4. Олий таълим муассасаларининг педагог кадрлари, талабалар, битирувчилар (олий таълим муассасасини тугатгандан сўнг олти ой доғимда) ва давлат органлари ходимларининг бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида ўқитиш ва имтиҳонларни топшириш бўйича харажатларини республика бюджетни ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қоплашнинг ҳар йиллик чекланган қийматларини белгилашни назарда тутувчи вақтинчалик тартибини тасдиқлаш.</p>	<p>2020 йилдан бошлаб</p> <p>Ҳар йили</p> <p>Ҳар йили</p> <p>2020 йил 1 июль</p>	<p>Акциядорлик жамиятлари, сугурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи юридик шахслар</p> <p>Молия вазирлиги (Д. Султанов)</p>
8.	Тажриба-синов олий таълим муассасаларида «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича ўқув дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш ва мазкур тажриба лойиҳасини босқичма-босқич республикадаги соҳага оид бошқа олий таълим муассасаларида амалга ошириш.	<p>1. Олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини аккредитациядан ўтказиш масалалари бўйича МҲХС соҳасида етакчи халқаро профессионал ташкилотлар билан музокаралар ўтказиш.</p> <p>2. Олий таълим муассасалари вакиллари иштирокида ўқув дастурларини аккредитациядан ўтказишнинг асосий тартиб-таомиллари ва босқичлари билан боғлиқ масалаларни ишлаб чиқиш учун халқаро экспертларни таклиф этиш.</p> <p>3. Ўқув дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш бўйича тажриба-синов олий таълим муассасалари ва аккредитациядан ўтган ўқув марказлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш.</p> <p>4. Ўқув дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш бўйича чора-тадбирларни мувофиқлаштириш учун тажриба-синов олий таълим муассасалари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг масъул ходимларини белгилаш.</p> <p>5. «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари ўқув дастурлари мазмунини мониторинг қилиш тизимини шакллантириш, шунингдек, МҲХСни қўллаш бўйича оммабоп ўқув ва амалий материалларни кўпайтириш.</p>	2020 йилдан бошлаб	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маждов), Молия вазирлиги (Д. Султанов), Тажриба олий таълим муассасалари
9.	Республикадаги олий таълим муассасалари ўқитувчилари таркибининг МҲХС бўйича касбий билимларини оширишда хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни кенгайтириш.	<p>1. Тизимли асосда ўқув жараёнига ва педагог ходимлар малакасини ошириш курсларига хорижий мутахассис ва ўқитувчиларни жалб қилиш.</p> <p>2. Халқаро ва республика даражаларида МҲХС бўйича амалий семинарлар ва танловлар ташкил этиш.</p>	Ҳар йили	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маждов), соҳага оид олий таълим муассасалари

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
10.	<p>МХХС соҳасидаги халқаро ташкилотларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш асосида «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ва фан дастурларини қайта кўриб чиқиш.</p>	<p>1. МХХС бўйича халқаро профессионал сертификатлаштириш дастурларига мос келадиган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. МХХСни чуқур ўрганиш, уни амалда қўллаш кўникмаларини шакллантиришни назарда тутувчи «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича янгиланган ўқув дастурларини тасдиқлаш ва таълим жараёнига жорий қилиш.</p> <p>3. Уч йиллик ўқиш муддатидан келиб чиққан ҳолда «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» бакалаврият таълим йўналиши бўйича ўқитишнинг кундузги шакли ўқув дастурлари ва режаларини қайта кўриб чиқиш.</p>	<p>2020 йил 1 август</p> <p>Ҳар йили</p> <p>2020 йил 1 август</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Мажидов), соҳага оид олий таълим муассасалари</p>
11.	<p>Олий таълим муассасаларининг «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» йўналишлари бўйича педагог ходимларини тизлаштирилган тарзда ўқитиш махсус курсларини ташкил этиш, шунингдек, МХХС бўйича педагог ходимларнинг узлуксиз малака ошириш тизимини такомиллаштириш.</p>	<p>1. «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқитувчиларни бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотдан аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида МХХС бўйича ўқитиш графигини тасдиқлаш.</p> <p>2. Қуйидагиларни: аккредитациядан ўтган ўқув марказлари ва хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик шартлари асосида МХХС бўйича малака ошириш жараёнини ташкил этишда масофавий ва вебинар технологиялар дастурлари;</p> <p>ўқитиш, имтиҳон топшириш ва малака ошириш ҳамда «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича педагог кадрларнинг касбий фаолият натижалари бўйича электрон маълумотлар базаси тизими;</p> <p>бухгалтерия ҳисоби ва аудит фанларини фақат халқаро сертификатлаш доирасида «МХХС бўйича молиявий ҳисобот» ёки «Аудит» фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёхуд халқаро бухгалтер сертификатига (ACCA, ACCA DipIFR, CPA, CIPA) эга бўлган педагог ходимлар томонидан ўқитиш тартибини;</p> <p>Халқаро бухгалтер сертификати (ACCA, ACCA DipIFR, CPA, CIPA) мавжуд «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» йўналишидаги педагог ходимларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш тизимини жорий қилиш.</p> <p>3. Халқаро бухгалтер сертификати (ACCA, ACCA DipIFR, CPA, CIPA) мавжуд педагог ходимларнинг малакасини ошириш харажатлари учун иш берувчи томонидан кафолатли тўловларни амалга ошириш.</p>	<p>Ҳар йили</p> <p>2022 йилдан бошлаб</p> <p>2022 йилдан бошлаб</p> <p>2021/2022 ўқув йилдан бошлаб</p> <p>Доимий равишда</p> <p>Ҳар йили</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Мажидов), олий таълим муассасалари</p>
12.	<p>Бухгалтерия ҳисоби ва аудит фанлари бўйича ўқув ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш.</p>	<p>1. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит фанлари бўйича хорижий олий таълим муассасалари амалиётида жорий этилган замонавий ўқув адабиётларни сотиб олиш, жумладан электрон кутубхонани яратиш.</p> <p>2. Олий таълим муассасалари талабаларининг Интернет глобал ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда мустақил чуқур билим олишларини таъминлаш учун уларни МХХСга доир янгилıklar билан тезкор таништириб борадиган виртуал майдон (веб-сайт) яратиш.</p>	<p>Доимий равишда</p> <p>2020 йил давомида</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Мажидов), олий таълим муассасалари</p>



Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
13.	Ўқув жараёни, имтиҳон ўтказиш ва унинг натижаларини баҳолаш ҳамда сертификат бериш шаффофлигини таъминлайдиган МҲХС бўйича мақсадли ўқитиш дастурларини ташкил этиш орқали халқаро стандартлар асосида касбий сертификатлашнинг замонавий тизимини жорий этиш.	<p>1. Бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида МҲХС бўйича ўқитишни давом эттириш бўйича аккредитациядан ўтган ўқув марказлари билан халқаро аккредитациядан ўтишнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш.</p> <p>2. Халқаро профессионал ташкилотлар билан бухгалтерларни сертификатлаш бўйича қуйидагиларга йўналтирилган ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва АССА (Association of Chartered Certified Accountants) ўртасида тузилган меморандум ва қўшма ҳаракатлар режаси ижроси бўйича; олий таълим муассасалари ўқув дастурларини аккредитациядан ўтказиш; мутахассисларнинг кенг доираси учун МҲХС бўйича молиявий ҳисоб соҳасидаги халқаро касбий сертификатлаш бўйича ўқитиш ва имтиҳон топшириш дастуридан фойдаланиш имкониятини таъминлаш.</p> <p>3. Қуйидагилар учун МҲХС бўйича ўқитиш ва сертификат олиш учун имтиҳон топширишнинг графигини тасдиқлаш: давлат органлари ходимлари; олий таълим муассасаларининг педагог ходимлари.</p>	<p>2020 йил давомида</p> <p>Меморандумга мувофиқ</p> <p>Ҳар йили</p>	<p>Молия вазирлиги (Д. Султанов), аккредитациядан ўтган ўқув марказлари Молия вазирлиги (Д. Султанов)</p> <p>Молия вазирлиги (Д. Султанов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маждиев), манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
<b>III. МҲХСнинг АҲАМИЯТИ ВА МАЗМУНИНИ ТУШУНТИРИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР</b>				
14.	Ташкилотлар раҳбарлари ва бухгалтерия ҳисоби хизмати ходимлари учун МҲХСни қўллаш масалалари бўйича фаол ахборот-услубий қўллаб-қувватлашни амалга ошириш.	Мавзули семинарлар, «давра суҳбатлари» ва бошқа тадбирларни ташкил этиш.	График асосида	Молия вазирлиги (Д. Султанов), бухгалтер ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари (М. Тулаходжаева, Н. Каримов)
15.	Ушбу қарор талабларини етказиш ва тушунтириш бўйича тадбирлар ташкил этиш.	МҲХСнинг аҳамияти тўғрисидаги ахборотларни давлат органлари ҳамда бухгалтер ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари веб-сайтларида жойлаштириш.	Медиа-режага мувофиқ	Молия вазирлиги (Д. Султанов), Марказий банк (И. Норкулов), Давлат активларини бошқариш агентлиги (С. Бекенов), Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги (О. Назиров)
16.	Тадбиркорлик субъектлари молиявий ҳисоботни МҲХС бўйича тайёрлаганда, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тайёрланадиган молиявий ҳисоботни тақдим этишдан озод этилиши тартиби белгиланганлиги ҳақида тадбиркорлик субъектларини хабардор қилиш.	Тадбиркорлик субъектларига «солиқ тўловчининг шахсий кабинети» орқали хабарлар йўналтириш.	2020 йил давомида	Давлат солиқ қўмитаси (Б. Мусоев)

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
17.	<p>Акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, сугурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи юридик шахсларни куйида белгиланган янги талаблар тўғрисида хабардор қилиш: 2021 йилдан бошлаб ҳисоб юритиш ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни тайёрлаш фақат МҲХС асосида амалга оширилиши; бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида «МҲХС бўйича молиявий ҳисобот» фанини муваффақиятли топширганлик тўғрисида ҳужжатга ёхуд халқаро бухгалтер сертификатига (ACCA ва ACCA DipIFR, CPA, CIPA, 2022 йил 1 январдан бошлаб эса – ACCA ва ACCA DipIFR, CPA) эга бўлган камида уч нафар мутахассис миқдорида МҲХСни сифатли қўллаш учун етарли бўлган ходимлар сонини босқичма-босқич таъминлаш.</p>	<p>1. Акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, сугурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи юридик шахсларга хабарномалар юбориш.</p> <p>2. Қуйидагиларни назарда тутувчи тегишли ички ҳужжатларни (ҳисоб сисёати, лавозим йўриқномаси, функционал мажбуриятлар) қабул қилиш: бухгалтерия хизмати ходимларининг малакасини ҳар йили тегишли лавозим учун талаб этиладиган даражада оширишни таъминлаш; МҲХС асосида тузилган молиявий ҳисоботни МҲХС соҳасида сертификатга эга бўлган мутахассис томонидан имзоланиши; сертификатланган ходимлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш тизимини жорий этиш; ушбу қарордан келиб чиқадиган янги талаблар.</p>	2020 йил давомида	<p>Давлат активларини бошқариш агентлиги (С.Бекенов), Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги (О.Назирова), Марказий банк (И.Норкулов) Давлат солиқ қўмитаси (Б.Мусаев)</p> <p>Акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, сугурта ташкилотлари, давлат улуши иштирокидаги ҳужалик жамиятлари</p>
18.	<p>Бухгалтер ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари томонидан МҲХС фонди билан биргаликда МҲХСни жорий қилиш ва амалда қўллаш бўйича илғор халқаро тажрибани тарқатишда фаол иштирок этиш.</p>	<p>1. МҲХС фонди ва Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси (БХФ) билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш.</p> <p>2. Халқаро ташкилотларнинг мутахассисларини жалб этган ҳолда қуйидагилар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш: МҲХСни дастлаб ва келгусида қўллаш; МҲХС асосида молиявий ҳисоботни тузиш.</p> <p>3. Халқаро экспертларни жалб этган ҳолда МҲХСни қўллашнинг долзарб масалаларига доир семинар ва тренингларни ўқитувчилар, талабалар ва бухгалтерия ҳисоби хизмати ходимлари иштирокида ташкил этиш.</p>	<p>Доимий равишда</p> <p>2020 йил давомида</p> <p>Медиа-режага мувофиқ</p>	<p>Молия вазирлиги (Д.Султанов), бухгалтер ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари (М.Тулаходжаева, Н.Каримов), манфаатдор вазирлик ва идоралар, тадбиркорлик субъектлари</p>

ЎзР Президентининг  
2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИ PRESIDENTINING 2018 ЙИЛ 19 SENTYABRDAГИ  
«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ПҚ-3946-СОН ҚАРОРИНИНГ 5-БАНДИГА  
КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР**

1. Биринчи хатбошидан «2020 йил 1 январдан» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. «а» кичик банднинг биринчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«а) 2020 йил 1 январдан ҳисобот йили якуни бўйича куйидаги шартлардан бир вақтнинг ўзида иккитасига жавоб берган тижорат ташкилотлари ҳам ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим:».

3. «б» кичик банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

«б) Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунига тегишли ўзгартаришлар кучга кирадиган кундан бошлаб аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятини фақат Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан нашр этиладиган халқаро аудит стандартлари асосида амалга оширади:».

## Ўзбекистонга қайтиш

Мен ва болаларим Ўзбекистон фуқароларимиз, бироқ МДХ давлатларидан бирида яшаш гувоҳномасига ва доимий пропискага эгамиз. 2020 йил январда ЎзР ТИВда хорижий паспортларни расмийлаштирдик. Уларни олиш чоғида ички биометрик паспортлар олиб қўйилди, бу ҳолат Ўзбекистонда доимий прописка мавжуд эмаслиги билан тушунтирилди. Ҳозир яшаш гувоҳномасидан воз кечиб, Ўзбекистонда пропискани расмийлаштирмакчиман. Бунинг учун ички биометрик паспортларимиз зарур бўлади. ТИВда Ўзбекистон фуқаролари бўлганлигимиз учун ТИВда паспортлар олиб қўйилмаслиги кераклигини тушунтиришди. ТИВда эски паспортларни қайтариб олиб, хорижий паспортларни йўқ қилишга олиб қўйишларини айтишди.

**ТИВ бунга ҳақлими, иккала паспортни ҳам олишга ҳақлимизми?**

– Доимий консуллик рўйхатида турувчи шахсга хорижга чиқиш биометрик паспорти берилганда ундан олдин берилган биометрик ёки нобиометрик паспорт олиб қўйилади. Унга хорижга чиқиш биометрик паспорти берилганлиги тўғрисида штамп қўйилиб маълумотнома берилади, ушбу маълумотнома консуллик муассасасида доимий консуллик рўйхатига олинганлиги тўғрисида штамп қўйилаётганда масъул ходимга топширилади. Олиб қўйилган паспорт уни бекор қилиш учун ушбу паспортни расмийлаштирган маълумотларни йиғиш пунктига юборилади ва тегишли маълумот борилган мамлакатнинг ваколатли органларига юборилади (ВМнинг 30.01.2020 йилдаги 49-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 41-банди).

Хорижда доимий истиқомат қиладиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун хорижий биометрик паспортларни бериш, 2011 йилги намунадаги биометрик паспортларни олиб қўйиш тартиби яқинда – 2020 йил 30 январдан қабул қилинган.

Шу тариха, Ўзбекистон Республикаси ТИВнинг Консуллик-ҳуқуқий департаменти ходимлари хорижий паспорт беришда сиздан биометрик паспортни олиб қўйишга ҳақли бўлганлар.

ЎзР Элчихонасида консуллик ҳисобидан чиқилган ва Ўзбекистонга қайтиб келинган тақдирда ҳам сизга биометрик паспортлар қайтариб берилмайди, бироқ Низомга мувофиқ ЎзР ТИВ Консуллик-ҳуқуқий департаментидан хорижий паспорт берилганлиги муносабати билан биометрик паспортлар олиб қўйилганлиги тўғрисида маълумотнома (1-сон шакл, Низомга 4-илова) берилиши шарт.

Ушбу маълумотномани Ўзбекистонда прописка қилинадиган жойингиз бўйича миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига (МваФРБ) тақдим этишингиз мумкин, у ерда сизга биометрик паспорт берилади.

## Прописка қилишга розилик бериш

**Қаршида яшаймиз. Фарзандимга хорижий паспорт олишим зарур.**

**Ўзим қайнонамнинг уйига прописка қилинганман, у киши набирасини ўз уйда прописка қилишни хохламаяптилар. Бир ёшли болани қаерга прописка қилиш мумкин?**

**Ўз ота-онаминг уйига прописка қилсам бўладими?**

– Вояга етмаган фарзандингизни ота-онангиз яшайдиган жойда уларнинг ёзма розилиги билан доимий прописканидан ўтказишингиз мумкин. Сабаби 16 ёшга тўлмаган шахслар уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг хоҳишига қараб ихтиёрий асосда доимий прописка қилинади ва ҳисобга олинади (Низомнинг 2-банди, ВМнинг 22.10.2018 йилдаги 845-сон қарорига 1-илова).

## Фамилия қандай ўзгартирилади

**Яқинда қизим 16 ёшга тўлади. У туғилгандан кейин отаси фарзандликка олишни расмийлаштирган ва унга ўз фамилиясини берган.**

**1. Қизим паспорт олаётганида отасининг фамилиясини меникига ўзгартирса бўладими, бунинг учун нима қилиш керак?**

**2. Фуқаролиги бўлмаган шахс эканлигимни, отаси эса Ўзбекистон фуқароси бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда, у ЎзР фуқаролигини олиши мумкинми ёки ФБШ бўладими?**

**1** Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳақидаги ариза ариза берувчи 16 ёшга тўлган турар жойдаги ФХДЁ органи томонидан кўриб чиқилади. Паспорт ёки паспорт ўрнини босувчи шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат олгунга қадар бундай ариза берилганда, унга туғилганлик ҳақида гувоҳнома илова қилинади (Қоидаларнинг Х боби, ВМнинг 14.11.2016 йилдаги 387-сон қарорига 1-илова).

Фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги аризалар куйидаги ҳолатларда кўриб чиқилади:

- «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига биноан миллий анъаналаримизга мувофиқлаштириш мақсадларида;
- суднинг ҳал қилув қарори асосида;
- фамилия, исм ва отасининг исми эшитилишда ёқимсиз бўлса;
- фамилия ва исм миллатига тўғри келмаса;
- хоҳиши қараб никоҳгача бўлган фамилияга (никоҳда турган даврида ҳам, никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам) қайтишда;
- оила учун умумий фамилияда бўлиш истаги пайдо бўлганда (никоҳ тузиш пайтида эр-хотин умумий фамилия қабул қилишмаган бўлса);
- 16 ёшга тўлган шахсга оталикни белгилашда (Қоидаларнинг 161-банди).

Демак, кўриб чиқилмаган аризалар рўйхатида сизнинг ҳолатингиз (отасининг фамилиясини онасиникига алмаштириш) қайд этилмаган, шу сабабли қизингиз ФХДЁ бўлишига мурожаат қила олмайди. Бироқ бу масалани ҳал этиш учун судга мурожаат қилишга ҳақлисиз.

**2** Қизингиз учун фуқаролик масаласига тўхталмаган бўлса, фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан фарзандликка олинган ёки бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади («Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддаси).

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, қизингиз балоғат ёшига етганлиги сабабли фамилияни ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олишида тўсиқ бўла олмайди.

## Сайт орқалими ёки ёзма шаклдами?

**Туристтик фирма йил давомида ижара шартномаларини тузади, уларга мувофиқ спорт туризми мақсадларида мамлакатимизга келаётган чет эллик фуқаролар дам олиш зонаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича яшаш ҳақини тўлаган ҳолда, 1 ойдан 3 ойгача мuddатга жойлашадилар. ЎзР қонун ҳужжатларига мувофиқ чегарадан ўтганларидан кейин улар яшаш жойлари бўйича МваФР бўлимларида рўйхатдан ўтишлари шарт, бу узоқ йиллардан буён ҳеч бир тўсиқсиз амалга ошириб келинмоқда. Бироқ сўнгги йилларда МваФРБ ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорини оғзаки шаклда ҳавола қилиб, онлайн рўйхатдан ўтишни тавсия қилмоқдалар. Меҳмонларимизни етеётган.uz сайти ва ЯИДХП орқали рўйхатдан ўтказишга уришиб кўрдик, лекин тизимдаги узиллишлар бунга имкон бермади.**

**Кейин туман «Ягона дарча» хизмати орқали жойида рўйхатдан ўтказмоқчи бўлдик, бироқ рад жавобини олдик.**

**МваФРБ Ўзбекистон чегарасини қонуний кесиб ўтган ҳамда кейинчалик вақтинча яшаш жойи бўйича расмий рўйхатдан ўтиш учун барча асос ва ҳужжатлари мавжуд бўлган чет эллик фуқароларни вақтинча прописка қилишни рад этишлари мумкинми?**

– Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, уларнинг ҳудудда бўлиш мuddати 30 кундан ортиқ бўлмаса, ихтисослаштирилган электрон автоматлаштирилган дастур ёрдамида ёки ҳудудий ички ишлар органларига ёзма мурожаат қилиш ёрдамида билдириш асосида ҳамда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳудудда бўлиш мuddати 30 кундан ортиқ бўлса, таклиф қилувчи (қабул қилувчи) шахслар, ташкилотларнинг ёзма мурожаати асосида Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий ички ишлар органларида вақтинча прописканидан ўтказилиши керак. Билдиришномалар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жойлашган пайтда, ички ишлар органларига мурожаат эса байрам ва дам олиш (яшанба) кунларини истисно қилганда кечи билан **3 суткада** берилиши лозим.

30 кундан ортиқ мuddатга вақтинча прописка қилиш учун таклиф қилган (қабул қиладиган) шахслар, ташкилотлар ўзлари турган жойдаги ҳудудий ички ишлар органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- белгиланган шаклдаги ариза;
  - қабул қилувчи ташкилотнинг белгиланган шаклдаги илтимосномаси;
  - миллий паспорт ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати;
  - уй-жой мулкдорининг вақтинча прописка қилишга ёзма розилиги ва уй-жойнинг ҳуқуқини белгиловчи ҳужжатлари;
  - давлат божни тўланганлиги ҳақидаги квитанция.
- Вақтинча прописка мuddатини узайтириш учун таклиф қилган (қабул қиладиган) шахслар, ташкилотлар вақтинча прописка мuddати тугашидан 3 иш кунини олдин ҳудудий ички ишлар органларига мурожаат қилишлари керак (Низомнинг 36-банди, ВМнинг 845-сон қарорига 2-илова).

Шу тариха, МваФРБ ходимлари ходимлари чет эллик шахсларни электрон тизимлар орқали рўйхатдан ўтказишни тавсия этишга ҳақли эмаслар. Туристтик фирмангиз спорт туризми мақсадларида мамлакатимизга келадиغان, дам олиш зонаси ҳудудида 1 ойдан 3 ойгача, яъни 30 кундан ортиқ бўладиган чет эллик фуқаролар билан ижара шартномаларини йил давомида расмийлаштириши сабабли таклиф қилган ташкилот жойлашган жойдаги МваФРБга ҳужжатларни топширишга ҳақлисиз.

## Паспортда қайдлар ҳақида

**Хорижий паспортда прописка ёки оилавий ҳолати ҳақидаги штамп қўйилиши зарурми? Ёки фақат визаларми?**

**Хорижга чиқишда 2 паспортни (биометрик ва хорижий) олиш керакми?**

– Хорижга чиқиш биометрик паспортга қуйидагилар ҳақидаги қайдлар киритилади:

- паспорт эгасининг хорижда доимий яшаш учун рўйхатдан чиқарилганлиги;
- хорижда доимий яшээтган фуқаронинг вақтинчалик прописка қилинганлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан ўтганлиги;
- консуллик рўйхатига олингани ёки консуллик рўйхатидан чиқарилгани;
- никоҳ қайд этилганлиги ёки бекор қилинганлиги;
- хорижий давлатларга кириш учун рухсатнома (виза);
- ҳамроҳлик қилувчи шахслар тўғрисидаги (вояга етмаган фуқаролар учун);
- илгари қўйилган қайдлар бекор қилинганлиги.



Паспорт эгасининг розилиги билан қонининг гуруҳи ва резус-мансублик тўғрисидаги қайдлар киритилади.

Хорижга чиқиш биометрик паспорт-да паспорт эгасининг имзоси бўлиши шарт (845-сон Низомнинг 14-банди).

Таъкидлаш жоизки, хорижга чиқишда хорижий паспорт билан бирга биометрик паспортнинг бўлиши шарт эмас.

## Ҳисобдан чиқариш – текширувдан сўнг

**Фуқаро узоқ йиллар давомида Ўзбекистондан ташқарида яшаган ва ишлаган. Ҳозир у биометрик ва хорижий паспортларни расмийлаштириш учун қайтмоқчи. Эски паспортни пропискани сақлаиб қолган, бироқ у прописка қилинган уй аллақачон сотилиб кетган. У пропискадан қандай ўчиши ва ҳужжатларни олиши мумкин? Бир неча марта паспорт столига муружаат қилган, лекин жавоб ололмаган.**

– Ушбу вазиятни кўриб чиқиш ва ҳал этиш фуқаро доимий прописка қилинган жойдаги МваФР бўлимининг ваколатига киради.

У, аввало, ушбу масала юзасидан МваФРБ раҳбариятига ёзма шаклда муружаат қилиши лозим. Прописка тўғрисидаги маълумотларни тиклаш ҳақидаги муружаат жиддий текширувдан ўтказишни талаб этади, шу жумладан манзил-бюро ҳисоби бўйича эски ва янги маълумотлар текширилиши лозим.

Тақдим этилаётган ҳужжатлар ушбу шахсга тегишли эканлиги сўзсиз тасдиқланса, унинг паспортдаги ёзувларга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги масала ижобий ҳал этилганда хулоса берилади, ушбу хулоса ички ишлар органлари раҳбари томонидан тасдиқланади. Хулоса натижаларига кўра мазкур шахс пропискадан чиқарилади, сўнгра унга тегишли бошқа турар жой майдонига прописка қилинади. Бир вақтнинг ўзида унга биометрик паспорт расмийлаштирилади ва янги турар жойи бўйича доимий прописка штапми қўйилади (АВ томонидан 9.04.1999 йилда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган йўриқнома).



## Пропискасиз қолмаслик учун

**Дўстим фуқаролиги бўлмаган шахс ҳисобланади, бироқ Ўзбекистонда яшаш учун гувоҳнома бор. У оиласи билан Тошкентда прописка қилинган. Хорижга кетганларига 4 йил бўлди, уларни Тошкентдаги бир тумандан бошқасига қайта пропискадан ўтказиш учун ишончномани юборишмоқчи.**

**Бунда уларнинг паспортлари ва дўстимнинг ҳарбий билети керак бўладими?**

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш учун гувоҳномаси ва доимий рўйхатдан ўтказилганлиги қуйидаги ҳолатларда бекор қилинади:

➢ хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикасидан ташқарига вақтинча чиққанда, агар улар 3 йилдан ортиқ вақт мобайнида узрли сабабларсиз Ўзбекистондаги доимий яшаш жойига қайтмаса;

➢ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан вақтинча ташқарига чиққан фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддати тамом бўлгач, агар улар ҳаракатланиш ҳужжатини алмаштирмаса ёхуд узрли сабабларсиз уни алмаштиришни рад этса;

➢ бекор қилиш тўғрисида шахсан муружаат қилса ёхуд нотариал тасдиқланган ишончнома бўйича бошқа шахс муружаат қилса ёки чет элдаги тегишли органларнинг сўрови бўйича (Тартибнинг 18-банди, ВМнинг 21.11.1996 йилдаги 408-сон қарорига 1-шлова).

Шу тариқа, дўстингиз қайта прописка қилиниши учун Ўзбекистон Республикасига қайтиши ва яшаш жойидаги МваФРБга фуқаролиги бўлмаган шахс учун хорижга чиқиш ҳужжатини лозим даражада расмийлаштирмасдан мамлакатдан ташқарига чиқиб кетилганлиги сабабларини тушунтириб бериши лозим. Акс ҳолда унинг яшаш учун гувоҳномаси ва доимий пропискадан ўтказилганлиги бекор қилинади.

## Жарима тўланмайди

**Қизим 9 январда 16 ёшга тўлди, ҳали паспорт олмади.**

**Ўз вақтида паспорт олмаганлиги туфайли муаммолар юзага келиши мумкин?**

– 18 ёшгача бўлган шахс 16 ёшга тўлиши муносабати билан ўз вақтида паспорт олмаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди (МЖТКнинг 223-моддаси).

## Англиялик учун виза

**Буюк Британия фуқаролари Ўзбекистонда қандай тартибда виза оладилар?**

– Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги фуқаролари учун визаларни расмийлаштириш тартиботлари анча соддалаштирилди.

Ишбилармонлик мақсадларида Ўзбекистонга таширф бюраётганлар учун 1 йил муддатга кўп марталик визалар Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасаларида 2 иш кунда расмийлаштирилади. Бунда Ўзбекистон Республикасидаги таклиф қилаётган юридик шахснинг УзР ТИВга муружаат қилишига доир талаб бекор қилинган.

Ўзбекистонга таширф бюраётган туристлар учун 1 ойгача бўлган муддатга кўп марталик визалар туристик ташкилотларнинг туристик ваучерларини тақдим этиш зарурлигига доир талаб бекор қилинган ҳолда 2 иш кунда расмийлаштирилади (ВМнинг 27.02.20003 йилдаги 106-сон қарори).

Бундан ташқари, чет эллик фуқаролар учун туристик визаларни расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди, бунда туристик ваучерларни ёхуд Ўзбекистон Республикасига таклиф этилаётган юридик ёки jisмоний шахснинг муружаатлари ТИВга тақдим этилиши бекор қилинди. Энди улар Ўзбекистоннинг чет элдаги консуллик

Санжар Ҳўжаҳмедов, «Norma» МЧЖ эксперти.

муассасаларига муружаат қилмасдан, Ўзбекистон ҳудудига 30 кун муддатга бир марталик кириш учун e-visa.gov.uz портали орқали «E-VISA.UZ» тизими ёрдамида электрон визани расмийлаштиришга сўров беришлари мумкин.

Электрон визани расмийлаштириш ва беришга доир муружаатни кўриб чиқиш муддати муружаат берилган кундан ташқари 2 иш кунини ташкил этади (Тартибнинг 12-банди).

## Ҳужжат билан тасдиқланганда

**Европадаги клиникада даволаниш зарурати туфайли хорижий биометрик паспортни ОВИРда олишни тезлаштириш мумкинми? Энг қисқа муддат 10 иш кунни деб эшитгандим.**

– Фуқарога ва унга ҳамроҳлик қилувчи шахсга (шахсларга) хорижга чиқиш биометрик паспортни расмийлаштириш муддати Ўзбекистон Республикасидан зудлик билан чиқиб кетишни талаб қиладиган ҳолатларда, яқин қариндошининг оғир касаллиги ёки вафот этганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда, чиқиш ҳуқуқига чеклов бўлмаган тақдирда 5 иш кундан ошмаслиги лозим (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4079-сон қарор билан тасдиқланган Низомнинг 25-банди).

## Фуқароликни олиш ҳуқуқига эга

**1995 йилда Ўзбекистонга келганман. Фуқароликни олишим мумкинми, бунинг учун нима қилишим керак?**

– Доимий яшаш жойингиздаги миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига (Мва ФРБ) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги ариза билан муружаат қилишингиз керак, чунки ушбу ҳуқуқдан сўнги 5 йил Ўзбекистон ҳудудида доимий яшаш хорижий фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар фойдаланиши мумкин.

Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мақомини Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда белгилайди.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

- 2 нусхада ариза-сўровнома;
- хорижий фуқароликдан чиққанлик тўғрисида гувоҳлик берувчи ҳужжат (фуқаролиги бўлмаган шахслардан ташқари);
- 2 нусхада таржимаи ҳол;
- кун кечиришнинг қонуний манбалари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат (иш жойидан маълумотнома ёки иш ҳақи, пенсия, нафақа, дивидендлар ва кун кечиришнинг бошқа манбалари кўрсатилган бошқа ҳужжат);
- 4 та фотосурат;
- 2 нусхада оиласининг таркиби тўғрисида иш жойидан маълумотнома;
- давлат божи тўланганлиги ёки уни тўлашдан озоқ қилинганлиги ҳақидаги ҳужжат (20.11.1992 йилдаги ПФ-500-сон Фармон билан тасдиқланган Низомнинг II бўлими 1-банди).

Иқтисодий ҳуқуқий газета  
**НОРМА МАСЛАХАТЧИ**  
ХУШУК СОЛИКЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир  
Фарҳод Собирович  
ҚҮРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –  
Бош муҳаррир  
ўринбосари,  
масъул котиб  
Нодир Носирович  
АЛИМОВ

Саҳифаловчи  
Наталья  
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1,  
Таҳририят тел. (71) 200-00-90  
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30  
E-mail: sbx@norma.uz,  
gazeta@norma.uz,  
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,  
газеталарнинг электрон версияларини  
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари  
бўйича (71) 200-00-30;  
«Norma» АҚТ бўлими – (71) 200-00-90;  
Рекламани жойлаштириш бўлими  
(71) 231-07-91 телефон рақамларига  
муружаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базисда терилди ва саҳифаланди.  
Нашр курсаткичи – 186. Қўғаз бичими – А3. Ҳажми – 2 босма табэк. Баҳою қилишдан нарҳда.  
Буюртма r-322. Адади 710. Газета 2020 йил 2 март соат 15.00 да топширилди.